

## ЎСМИРЛАР МАЊНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АРТПЕДАГОГИК МОДЕЛИ

Рамазонова Мунира Ғуломжоновна

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг тарихи музейи раҳбари  
Республика Мањнавият ва Маърифат маркази ижтимоий-мањнавий  
тадқиқотлар институтининг мустақил изланувчи.

Xusanov Sharof Alimovich

**Аннотация:** Ўсмирлар мањнавиятини ривожлантиришнинг артпедагогик меделини ўрганишда мањнавият тушунчасига, артпедагогик моделга алоҳида эътибор берилди. Жадид, олим ва педагогларнинг фикрлари билан ёритилди.

**Калит сўзлар:** жадид, мањнавият, қобилият, педагог, ўсмирлар, мактаб, таълим.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёв ёшлар кунига бағишлиган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганлариdek, “Бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиёти учун, -Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу- умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз-асосий таянчимиздир. Бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, демократик давлат қуриш борасида Президентимиз томонидан асослаб берилган тараққиёт йўли — “Учинчи Ренессанс” миллий ғоя сифатида амалга оширилмоқда. Ренессанс - уйғониш демакдир. Яъни илмий уйғониш, маърифатни англаш ва шу аснода асрларга тенг йўлларни лаҳзаларда босиб ўтмоқ демакдир. Бу жараённи бошлаб бериш, унинг пойдеворини қўйиш камдан-кам инсонларга насиб этган. Бунинг учун аввало, миллатни севиш ва инсонпарварлик туйғуси бўлиши керак.

Абу Наср Фаробийнинг бир ҳикмати бор, “Инсоний хислатлар тўрт қисмга бўлинади: назарий фазилатлар, тафаккур фазилатлари, яралма (ҳаёт жараёнида вужудга келувчи) фазилатлар ва амалий санъат (касб) фазилатлари”. Ўзбекистондаги янги Уйғониш маърифати ҳам айни шу тамойилга асосланганини, эзгу ниятлар амалга ошаётганини англаш эса янада шижаат баҳш этади.

### Таҳлил ва натижалар

Мактабда таълим олаётган 12—13 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган ўқувчиларни ўсмирлар дейилади. Ўсмирлик даврида боланинг жисмоний ва руҳий тараққиётида кескин ўзгаришлар рўй беради<sup>15</sup>. Ўсмирлар мањнавиятини ривожлантиришнинг

<sup>15</sup> Тарбия. Энциклопедия. Тошкент- 2010. 516-бет.

артпедагогик моделида аввало, ёшларни маънавиятли қилиб тарбиялашда, боланинг ички дунёсига назар солмоқ керак. Боланинг ички дунёси кашфиёт олами бўлади. Уни ривожланиш жараёнлари турли хил кўргазмалар, ижодий учрашувлар, тўгараклар ва мактабдаги очиқ дарсларда намоён бўлади. Ўсмирларни маънавиятини ривожлантириш қадриятлар уйғунлигини мужассам қилувчи тарбиявий омиллардан иборат. Ушбу имкониятдан келиб чиқсан ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида, бадии тўгаракларда, экспозицияларда тасвирий санъат воситасида ўсмирларни бадии-эстетик тарбиялашни тадқиқ этиш долзарб эҳтиёжга айланди. Демак, умумий ўрта таълим муассасаларида, ижодий маданий тарғибот ишларида ғоявий-эстетик тарбияни илмий асосда қуриш, артпедагогика имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Артпедагогика ёшларнинг қизиқишлари асосида ташкил этиладиган тарълим тарбия жараёни бўлиб, улар ёшларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этиш, фаол ижтимоий муносабатларга жалб этиш, маънавий, ғоявий- эстетик, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ёшларнинг ўз ички имкониятларини рўёбга чиқаришга шароит яратиш, шунингдек, тарбия, тарғибот, ташвиқот функцияларини амалга оширишга йўналтирилган. Қисқа қилиб айтганда, артпедагогика - ўсмирларнинг эстетик дири ва ғоявий идеалларини мужассамлаштириш, ҳаёт ва санъатдаги гўзалликни тўғри идрок қилиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш жараёнидир.

Тасвирий санъатнинг бадии қимматли асарлари билан “мулоқотда” бўлишда бадии қадриятларни ўзлаштириш юз беради. Эстетик - қадриятли йўналишлар орқали эстетик фикрлаш шаклланади - буларнинг ҳаммаси идрок этувчи инсон шахсига маълум тарзда таъсир кўрсатади ва уни таъсирлантиради, мақсадга мувофиқ йўналтирилган ва бошқариладиган бадии - эстетик қабул қилиш жараёнида айниқса тавирий санъат асарлари ҳақида мулоқотлар, сұхбатлар, диологлар натижасида ижобий кечади. Коммуникатив фаолиятда қуйидагилар содир бўлади:

- бадии ахборот олиш, хусусан бадии образлар тизими ёрдамида бадии ахборотнинг ўзига хослиги очиб беради;
- тасвирий санъат тили ёрдамида тасвирланаётган обьектлар моҳияти очиб берилади;
- муаллифнинг дунёқарashi ва шахси; рассомнинг маҳорати, унинг эстетик сезгилари намоён бўлади.
- асарни қабул қилиши, тузулиши яъни мантиқий-бадии ва эстетик- потенциал мазмунда ўрганиш, таҳлил қилиш, тушуниш муносабати, баҳолаш амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган “Тасвирий санъат” предмети ўқувчиларнинг психик жиҳатдан: мантиқий ва абстракт фикрлаш; таҳлил, синтез, таққослаш; абстрактциялаш, умумлаштириш; тасаввур ва хотира, ижодкорлик ва фантазияни ривожлантиришда бошқа фанлардан алоҳида ажралиб туради.

Ўсмирларнинг дунёқарашини ривожлантиришда кўмаклашадиган фан бу - Санъатдир. Ўқувчи ўзи чизган санъат асарини таҳлил қилиш орқали хотираси кучаяди. Инсоннинг кўриш қобилияти янада ошади. Сабаби оламни кузатади. Кузатувлар асосида янги асарлар пайдо бўлади. Тасвирий санъат фани ўқитувчилари ўқувчиларга тасвирий саводхонликка оид компентенцияларни шакллантиришда қандай қилиб ўқувчиларнинг кўриш хотирасини кучайтириш хусусидаги билимга эга бўлишлари ҳам муҳим ҳисобланади.

Биламизки ўрганган шеъримиз, чизган асарларимизни такрор ва такрор ёдга олмасак, амалда қўллашда давом этмасак, вақт ўтиши билан ўрганганларимиз унтилади. Масалан, қайсиdir ўқувчи манзараларни яхши чизса, кимдир портрет чизишда моҳир бўлса, Унинг чизган асари эсидан чиқмайди. Боланинг иқтидори кўринади. Йиллар давомида ишлаш техникаси мукаммал ривожланади. Ёш ўрганувчи ўсмирларни яхши расм чизувчи бўлишини ўқитувчи англай олиши лозим.

Бадиий педагогика тарихидан маълумки, тасвирий фаолият ўқувчиларда уларнинг боғча ёшдаги даврида кузатилади, яъни бола ўзининг дастлабки тасвирий санъат намунаси шаклидаги “асар”лари билан ўзига хос тарзда фикр юрита бошлайди. Бу жараёнга ота-оналар фарзандларининг шахс сифатида шаклланиш босқичининг алоҳида эътиборларини қаратишлари лозим бўлган даври сифатида қарашлари ва болаларнинг бу фаолиятига жиддий муносабатда бўлишлари ижобий натижанинг педагогик кафотлатидир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда боланинг тасвирий фаолиятига педагогик раҳбарлик қилиш, жараённинг самарали кечиши учун қулай муҳит ва шароит яратиш лозим.

XIX аср охири XX аср бошида Туркистон миллий уйғониш адабиётининг эътиборли вакилларидан бири Абдулла Авлоний мактаб очган. Болаларни тарбиялаган, ўқитган, илм берган. Таниқли педагог бўлган. Унинг педагогик қарашларини ўрганганимизда “Болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, фикр тарбияси бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суюнган. Виждонларига юклangan” бўлиб, уларнинг “ёрдамига сўнг даражада муҳтоҷ”. Негаки, “Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги” муаллимга кўп жиҳатдан боғлиқ. Болаларнинг фикрлаши тарбиячининг фикрлаш ва интилиш доираси, савияси билан ҳам алоқадор. Бу хусусда адабнинг кескин мулоҳазалари бор. Улар ҳақида кейинроқ гап бўлар. Ҳозирча муҳими шуки, Авлоний фикри ўстириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Унга алоҳида боб ажратиб, таъкидлаб кўрсатади”.<sup>16</sup>

Жадид, маърифатпарвар педагоги, биринчи ўзбек профессори Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитратнинг қарашларидаги педагогик таълим тушунчалари ғоят кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, “педагогик таълим” тушунчасини шахсга билим бериш,

<sup>16</sup> Истиколол қаҳрамонлари Абдулла Авлоний “Танланган асарлар” - жилд (Шеърлар, ибратлар) Тошкент - “Маънавият”- 2006. 33 -бет.

уни тарбиялаш ва касб ҳунарга йўналтириш тарзида тушунамиз.<sup>17</sup> Фитратнинг оилада амалга ошириладиган педагогик таълим масаласига доир тушунчаси унинг ўз даври XX аср 1 чорагидаги ижтимоий шароит, макон ва замон талаблари, педагогик эҳтиёжларга мос равиша шаклланган. Бу даврда ижтимоий ҳаётни янгилаш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш устивор масала бўлганлиги маълум.<sup>18</sup>

Миллат тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Шарқ мутафаккирлари фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Ўрта Осиё мутафаккирлари ўз асарларида инсонийлик, ватанпарварлик ғояларини тараннум этадилар.

Абдулла Авлонийнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрлари:

Керак тарбият, ёшлиқдан керак,

Улуғ бўлса лозим келур ғам емак. Демак, бола - кичкина одам эмас, алоҳида шахс. Шунинг учун болани тарбиялашнинг бир нечта амаллари бор.

- бола билан яхши муносабатда бўлиш лозим

- Ёқимлилик, хуш кўриш билан гапириш, меҳр кўрсатиш лозим.

- Унга симпатияни уйғунлаштирсангиз, бола тарбиясидаги катта ютуқни қўлга киритасиз.

- Болаларга жуда катта эътибор зарур.

- Агар бола ниманидир нотўғри қилаётган бўлса, бунга аҳамият берманг.

- Ёмон қилиқларига эътибор бермай қўйишингиз билан фарзандингизнинг ўзи инжиқлик қилишни бас қиласи.

- Болаларга чегара қўйманг.

- Улар оламни мустақил англашлари лозим.

- Болаларни ҳеч қандай қоидаларсиз тарбиялаб бўлмайди.

Фитратнинг фикрича, ёмон хулқ билан курашиш лозим. болаларни тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан мукаммал қилиб, камолга етиштириш демакдир.

Болаларда қобилиятнинг ривожланиши бир қанча омиллар: оиланинг моддий ва маънавий шароитлари, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабдаги тарбия, боланинг ўз ўзини тарбиялаши кабилар билан белгиланади. Буларнинг ичида энг асосийси тарбия, яъни бола қобилиягини мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳолда онгли равиша шакллантириш жараёнидир. Қобилиягини шакллантириш асосий шарти боланинг ўз фаолиятидир.

<sup>17</sup> Болтабоев Ҳ. 20 аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Абдурауф Фитратнинг илмий мероси. ДДА - Тошкент, 1996. Абдужалирова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. НДА - Тошкент, 2002. Ахророва Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий -педагогик қарашлари. НДА.- Тошкент, 1998, Ғаниев И. Абдурауф Фитрат ижодида бадиий санъатлар. ДДА. - Тошкент, 2007 ва ҳ.к.

<sup>18</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва истиқлол маънавияти. \\ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар 1 - жилд. -Тошкент. “Маънавият”. 2000. 28- бет.

Ўсмирлик ёшида болалар турли фаолиятда ўз кучини синашни, ўз имкониятларини текшириб кўришни истайди. Бу интилиш қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароит туғдиради. Муайян муваффақиятга эришиш, педагог ёки ота-она томонидан боланинг бирор иши учун усталик билан рағбатлантириши унда шу фаолият турига қизиқиш ва майл үйғотиши мумкин.

Ўсмирлар қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан яна бири таълимни жисмоний меҳнат билан қўшиб олиб боришдир. Бу шартнинг мавжудлиги ривожланишдаги бир томонликни бартараф қилишга ёрдамлашади, ўқувчиларга турли хил фаолиятда ўзларини синаб кўришлари, ўз зеҳнларини юзага чиқариш имконини беради.

Болаларда қобилиятни ривожлантиришда мактабдаги турли туман ишлар билан бирга мактабдан ташқи ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мактабларда ўқувчилар саройлари ва бошқа жойларда ташкил қилинадиган турли тўгараклар фақат болаларни билишга қизиқишини қондиришгагина эмас, балки ўз қизиқишиларини намоён қилиш ва ўзининг нималарга қодир эканлигини билишларига ҳам ёрдам беради.<sup>19</sup>

### **Хулоса**

Ўсмирлар маънавиятини ривожлантиришнинг артпедагогик моделларини кўриб чиқишидан хулоса шуки, ўсмирлар маънавиятини ривожлантиришда таълим тарбия, отағона ҳамда ўқитувчининг роли жуда катта. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати кучли бўлса, ўқувчиларнинг артпедагогик салоҳияти ҳам кучаяди. Аввало таъкидлаш керакки, ўсмирлар онгини ривожлантириш, муаяйн шарт-шароитлар мавжуд бўлса, кишининг бутун ҳаёти давомида содир бўладиган жараёндир. Кишининг зеҳниятини ўстиришга қанчалик вақтли киришилса ва қанчалик кўп шароит яратилса, уларнинг гуллаб яшнаш имкониятлари ҳамда кишининг фан, маданият ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси шунчалик кўп бўлади. Болаларнинг мактабда ўқиган йиллари уларнинг қобилиятини ўстиришнинг ҳақиқий олтин даври ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ :**

1. Истиқлол қаҳрамонлари Абдулла Авлоний “Танланган асарлар” - жилд (Шеърлар, ибратлар) Тошкент - “Маънавият”- 2006. 33 -бет.
2. Болтабоев Ҳ. 20 аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Абдурауф Фитратнинг илмий мероси. ДДА - Тошкент, 1996.
3. Абдужалилова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. НДА - Тошкент, 2002.

<sup>19</sup> Тарбия. Энциклопедия. Тошкент- 2010. 516-бет.

4. Ахророва Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий -педагогик қарашлари. НДА.-  
Тошкент, 1998, Ғаниев И. Абдурауф Фитрат ижодида бадиий санъатлар. ДДА. -  
Тошкент, 2007 ва ҳ.к.

5. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва истиқлол маънавияти. \\ Абдурауф Фитрат. Танланган  
асарлар 1 - жилд. -Тошкент. “Маънавият”. 2000. 28- бет.

6. Тарбия. Энциклопедия. Тошкент- 2010. 516-бет.